

# ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш мақсадида аҳоли, айниқса, ёшлар ҳамда уюлмаган ёшлар ўртасида спортнинг мини футбол тури бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизмати Сурхондарё вилояти бўйича **"Бошқарма бошлиғи кубоги"** спорт мусобақаси кўтаринки руҳда ўтказилди.





Жорий йилнинг 18 май куни Бойсун туманидаги 4 та сектор ҳудудидаги маҳаллалардан саралаб олинган энг кучли футболчи ёшлар жамоаси ғолиблик учун яшил майдонда тўп суришди.





Ўйин якунига кўра муносиб жамоалар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари, ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.






**Фахрли 3-ўринни** эгаллаган **Газа** маҳалласи ёшлар жамоаси ташкилотчиларнинг **бир миллион сўм** пул мукофоти, медаллар, фахрий ёрлиқ ва спорт кийимлари билан тақдирландилар.





**Фахрли 2-ўринни** эгаллаган **Ширинобод** маҳалласи ёшлар жамоаси ташкилотчиларнинг **икки миллион сўм** пул мукофоти, медаллар, фахрий ёрлик ва спорт кийимлари билан тақдирландилар.





**Фахрли 1-ўринни Тоқчи** маҳалласи ёшлар жамоаси ташкилотчиларнинг уч миллион сўм пул мукофоти, мусобақа **Кубоги**, фахрий ёрлиқ ва спорт кийимлари билан тақдирландилар.





Шунингдек мусобақада фаол иштироги учун спортнинг мини футбол тури бўйича 4-ўринни эгаллаган **Темирдарвоза** маҳалласи ёшлар жамоаси ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.